

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирининг
2025 йил "23" июндаги
180-сонли буйруғига
2-илова

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ ИLMИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**«ЭНДОМЕТРИЙ ПОЛИПИ»
НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МИЛЛИЙ КЛИНИК СТАНДАРТЛАРИ**

ТОШКЕНТ-2025

**«ЭНДОМЕТРИЙ ПОЛИПИ»
НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК СТАНДАРТЛАРИ**

ХКТ кодлар 10 / 11:	НОЗОЛОГИЯ НОМИ	Амбулатор шароитларда диагностика ва даволаш билан шуғулланадиган мутахассислар.		Стационар шароитларда диагностика ва даволаш билан шуғулланадиган мутахассислар.	
		Бош куратор мутахассис	Жалб қилинадиган қўшимча мутахассислар	Бош куратор мутахассис	Жалб қилинадиган қўшимча мутахассислар
ХКТ-10		Оилавий шифокор, акушер- гинеколог, онколог	Эндокринолог, онко-гинеколог, терапевт	Акушер- гинеколог	Эндокринолог, онко-гинеколог, терапевт
N84.0	Эндометрий полипи				
ХКТ-11					
GA16.0	Эндометрий полипи				

ЭНДОМЕТРИЙ ПОЛИПИНИНГ РЕЖАЛИ ДИАГНОСТИКАСИ, ДАВОЛАШИ, РЕАБИЛИТАЦИЯСИ ВА ДИСПАНСЕР ТАДБИРЛАРИ.

Диагностика чоралари	Тиббий хизматларнинг номи	Даражаси ва тури бўйича режалаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш					Ёрдам ва тадқиқотларнинг минимал миқдори (хар бир даволанган вазият учун)	Даволаш давомийлиги
		Амбулатор даъво		Стационар даъво*				
		ҚВП/ҚП	МППП	Туман (шаҳар) клиникалари	Вилоят даражасидаги тиббий муассасалари	Республика даражасидаги тиббий муассасалари		
Асосий мутахассислар (шифокорлар) маслаҳати	1. Шикоятлар ва анамнез 2. Объектив кўрик 3. Физикал ва клиник текширув	Оилавий шифокор	Оилавий шифокор / Гинеколог	Гинеколог	Гинеколог	Гинеколог	2	Даволаш даври: мурожаатга кўра Даволаш давомийлиги: 3-6 ой
Изох: Худудда мутахассис мавжуд бўлмаган ҳолларда беморлар қўшни худудга йўналтирилади.								
Қўшимча мутахассислар (шифокорлар) маслаҳати	1. Шикоятлар ва анамнез 2. Объектив кўрик 3. Физикал ва клиник текширув	-	Онко- гинеколог, эндокри- нолог, терапевт	эндокри- нолог, онко- гинеколог	Онко- гинеколог, эндокри- нолог, терапевт	Онко- гинеколог, эндокри- нолог, терапевт	1	Даволаш даври: мурожаатга кўра Даволаш

давомийлиги:
3-6 ой

Изоҳ: Беморни текшириш жараёнида ҳамроҳ касалликлар аниқланганда, кўрсатмаларга мувофиқ, тиббиёт муассасалари даражасида қўшимча мутахассислар билан маслаҳатлар ўтказилади.

Асосий лаборатор таҳлиллар	1. Умумий қон таҳлили	+	+	+	+	+	1	Даволаш даври: мурожаатга кўра Даволаш давомийлиги: 3-6 ой
	2. Умумий сийдик таҳлили	+	+	+	+	+	1	
	3. Қоннинг биокимёвий таҳлили	+	+	+	+	+	1	
	4. Коагулограмма	-	-	-	+	+	1	
	5. Вассерман реакцияси (RW)	-	-	+	+	+	1	
	6. HBsAg аниқлаш	-	-	+	+	+	1	
	7. ОИТС (ВИЧ) аниқлаш	-	-	+	+	+	1	
	8. AntiHCV аниқлаш	-	-	+	+	+	1	
	9. Қон гуруҳи аниқлаш	-	-	+	+	+	1	
	10. Ажраламаларни бактериологик тадқиқ қилиш Қоннинг ИППП учун таҳлили (ИФА, 1 ПЦР)	-	-	+	+	+	1	
	11. Ажраламаларни ИППП учун таҳлили (ИФА, ПЦР)	-	-	+	+	+	1	
	12. Материалнинг морфологик тадқиқи Суртма	-	-	+	+	+	1	

	цитологияси (РАР-тест)							
Изоҳ: Беморни кўриқдан ўтказишда ҳамроҳ касалликлар аниқланган тақдирда, кўрсатмаларга мувофиқ, тиббиёт муассасалари даражасида қўшимча текширувлар ўтказилади.								
Қўшимча лаборатория таҳлиллари	1. ПЦР-диагностика ОПВ (одам папиллома вируси) типировка юқори онкогенга нисбатан	-	-	+	+	+	1	Даволаш даври: мурожаатга кўра Даволаш давомийлиги: 3-6 ой
	2. Қондаги глюкоза даражасини аниқлаш	+	+	+	+	+	1	
	3. Пайпель диагностикаси	-	-	+	+	+	1	
	4. Онкомаркерлар СА 125, НЕ4, РЭА, АФП, ХГЧ, РОМА индекси	-	-	+	+	+	1	
Изоҳ: Беморни кўриқдан ўтказиш жараёнида ҳамроҳ касалликлар аниқланганда, кўрсатмаларга мувофиқ, тиббиёт муассасалари даражасида қўшимча текширувлар амалга оширилади.								
Асосий инструментал тадқиқотлар	1. ЭКГ	+	+	+	+	+	1	Даволаш даври: мурожаатга кўра Даволаш давомийлиги: 3-6 ой
	2. Кичик чанок аъзоларининг УТТ / Сувли УТТ (Рангли доплер, 3D-тадқиқот ва контраст моддадан фойдаланиш)	+	+	+	+	+	1	
	3. Кольпоскопия	+	+	+	+	+	1	
	4. Ташхисловчи гистероскопия	+	+	+	+	+	1	
	5.Эндометрий биопсияси	-	-	+	+	+	1	
Изоҳ: Беморни кўриқдан ўтказиш жараёнида ҳамроҳ касалликлар аниқланганда, кўрсатмаларга мувофиқ, тиббиёт муассасалари даражасида қўшимча текширувлар амалга оширилади.								

Қўшимча инструментал тадқиқотлар	1. Кичик чаноқ МРТ си	-	-	+	+	+	1	
---	-----------------------	---	---	---	---	---	---	--

ОШП – Оилавий шифокор пункти, ОП – Оилавий поликлиника, КТОП – Кўп тармоқли оилавий поликлиника, ВИЧ – Инсон иммунитет танқислиги вируси, УТТ – Ультратовуш текшируви, ЭКГ – Электрокардиография, ИФА – Иммуноферментли анализ, ПЦР – Полимераз занжир реакцияси, ОПВ – Одам папиллома вируси

ГОСПИТАЛИЗАЦИЯГА КЎРСАТМАЛАР:
Касалликнинг симптомли кечиши, полипнинг ўлчами, ҳомиладорликни режалаштириш ва/ёки ЭКОга тайёргарлик, менопаузадан кейинги давр. Симптомсиз кечадиган касаллик ҳолатида, эндометрий полипнинг кичик ўлчами (1 смгача) бўлганда госпитализация ва жарроҳлик даволаш тавсия этилмайди (Истисно: ҳомиладорликни режалаштириш ва менопаузадан кейинги давр).

ДАВОЛАШ ЧОРАЛАРИ (ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ЁРДАМИДА ДАВОЛАШ)

Ушбу нозологияда махсус дори-дармон билан даволаш мавжуд эмас

Изоҳ: Гормонал терапия, хусусан, прогестагенлар қўллаш эндометрий гиперплазияси мавжуд бўлган ҳолларда кўриб чиқилиши мумкин. Бирок, гиперпластик жараёнлар бўлмаган ҳолларда эндометрий полипларига нисбатан гормонал терапия самарадорлиги исботланмаган.

РЕЖАЛАШТИРИЛГАН ЖАРРОҲЛИК МУОЛАЖАСИ

Терапевтик чоралар (жарроҳлик даволаш)	Даражаси ва тури бўйича режалаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш				
	Амбулатор ёрдам		Стационар ёрдам		
	ҚВП /ҚП	МКТП	Туман (шаҳар) клиникалари	Тиббиёт муассасалар вилоят даражасида	Республика даражасидаги тиббиёт муассасалар
Жарроҳлик амалиёти/аралашув/муолажа номи					
1. Даволовчи гистероскопия (эндометрий полипини олиб ташлаш)	-	-	+	+	+
2. Гистерорезектоскопия (эндометрий полипини олиб ташлаш)	-	-	+	+	+

Изоҳ: Операция ҳажми индивидуал равишда танланади, беморнинг ёши ва репродуктив режаларини инобатга олган ҳолда.

ДАВОЛАШ ОВҚАТИ/ДИЕТА

Мазкур нозология бўйича махсус диета мавжуд эмас

БЕМОРНИ “D” ҲИСОБИДА ДИСПАНСЕРИЗАЦИЯ ҚИЛИШ

Тиббий текширув Чоралари	Тиббий хизматларнинг номлари	ҚВП /ҚП	МКТП	Тадбирларнинг минимал сони	Диспансер назорати муддати
Мутахассис (шифокор) консултацияси	Мутахассис (шифокор) куриги	+	+	1	3 ой
Изоҳ: Беморни клиник ва лаборатор кўрсаткичларга асосан даволангандан сўнг, кузатув 6 ойгача давом эттирилади.					
Инструментал тадқиқот	1. Кичик чаноқ аъзоларининг УТТ / Сувли УТТ	+	+	1	6 ой
Изоҳ: 3-6 ой ўтгач, беморларда бачадоннинг УТТ ўтказилади.					

БИРИНЧИ, ИККИНЧИ ВА УЧИНЧИ ПРОФИЛАКТИКА/СКРИНИНГ

Мазкур нозология бўйича назарда тутилмаган

РЕАБИЛИТАЦИЯ

Мазкур нозология бўйича назарда тутилмаган

ПАЛЛИАТИВ ДАВОЛАШ

Мазкур нозология бўйича назарда тутилмаган

ЭНДОМЕТРИЙ ПОЛИПИ БЎЙИЧА ШОШИЛИНЧ (ТЕЗКОР) ТИББИЙ ЁРДАМ

Тиббиёт муассасасига тезкор госпитализация учун кўрсатмалар:
 ПЭ билан боғлиқ ўткир БАҚК (бачадондан аномал қон кетиш) ва камқонлик ҳолатида 1-3 даражали тиббий ташкилотларга шошилишч госпитализация кўрсатилади.

«ЭНДОМЕТРИЙ ПОЛИПИ» НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА ТЕЗКОР ВА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ

Тиббий текширув чоралари	Тиббий хизматларнинг номлари	Даражаси ва тури бўйича режалаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш					Тадбирларнинг минимал сони	Даво муддати
		Амбулатор		Стационар *				
		Уй шароитида ва тез тиббий ёрдам шароитида	ҚВП /ҚП МКТП	Туман (шаҳар) клиникалари	Тиббиёт муассасалар вилоят даражасида	Республика даражасидаги тиббиёт муассасалар		
Мутахассис (шифокор)	1. Шикоятлар ва анамнез йиғиш	Ўтказилади	Ўтказилади	Ўтказилади	Ўтказилади	Ўтказилади	Хар куни	1-5 кун

консултацияси	2. Объектив кўрик	Ўтказилади	Ўтказилади	Ўтказилади	Ўтказилади	Ўтказилади	Хар куни
	3. Клиник-инструментал текширув	-	Ўтказилади	Ўтказилади	Ўтказилади	Ўтказилади	Стандартга кўра
	4. Жарроҳ-шифокор томонидан кундалик кузатув, шунингдек, ўрта ва кичик бўғин тиббиёт ходимлари томонидан парвариш ва кўллаб-куватловчи муолажалар	Ўтказилади	Ўтказилади	Ўтказилади	Ўтказилади	Ўтказилади	Хар куни

Изоҳлар: Эндометрий полипиға шубҳа қилинганда, бемор аёл СП/СВП/МЦПда гинекологнинг бошланғич кўригидан ўтиши керак. Аномал бачадон қон кетиши, бепуштлиқ, қўйилган қорин оғриғи, ҳайз циклининг бузилиши каби симптомларга эътибор қаратиш муҳим. Агар беморда кўп миқдорда бачадон қон кетиши ёки кучли оғриқ каби яққол симптомлар кузатилса, зудлик билан тез тиббий ёрдам чақирилиши ва беморни шошилишч гинекологик стационарға юбориш зарур. Агар гемодинамика беқарор бўлса (масалан, кўп қон йўқотилиши, гиповодемик шок), тез ёрдам келгунгача (СМП-103) поликлиника даражасида ҳолатни барқарорлаштириш чоралари кўрилиши лозим. Даволаш СМП-103 гуруҳи томонидан махсус стационарға йўл олиш вақтида ҳам давом эттирилиши керак. Қишлоқ жойларда эндометрий полипиға шубҳа қилинган беморлар Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий маркази (РСНПМЦЗМИР) ёки тегишли вилоят марказларига йўналтирилади. Шаҳарларда беморлар РСНПМЦЗМИР вилоят филиалига ёки ихтисослаштирилган гинекологик муассасаларға юборилади. Агар бемор РСНПМЦЗМИР филиалида стационар даволашда бўлса ва унинг ҳолати қўшимча кузатув ёки ихтисослаштирилган ёрдамни талаб қилса, санитария авиацияси орқали маслаҳатлашувдан сўнг уни марказий бўлимға ўтказиш мумкин. Асоратлар (масалан, кўп қон кетиши, ёмон сифатли жараён белгилари) ҳолатида бемор санитария авиацияси ёки телемедицина орқали маслаҳатлашувдан кейин РСНПМЦЗМИР ихтисослаштирилган бўлимларига ўтказилиши мумкин. Бепуштлиқ, рецидивлар ёки полипнинг малигнизацияси каби мумкин бўлган хавф ва асоратларни инобатға олиш, шунингдек, даволашдан сўнг беморнинг ҳолатини фаол назорат қилиш зарур.

Мутахассис (шифокор) консултацияси	1. Акушер-гинеколог	-	Ўтказилади	Ўтказилади	Ўтказилади	Ўтказилади	Кўрсатмага қараб
	2. Терапевт/кардиолог (еки УАШ)	Ўтказилади	Ўтказилади	Ўтказилади	Ўтказилади	Ўтказилади	Кўрсатмага қараб
	3. жарроҳ/уролог	-	Ўтказилади	Ўтказилади	Ўтказилади	Ўтказилади	Кўрсатмага қараб
	4. Рентгенолог	-	Ўтказилади	Ўтказилади	Ўтказилади	Ўтказилади	Кўрсатмага қараб
	5. УТТ шифокори	-	Ўтказилади	Ўтказилади	Ўтказилади	Ўтказилади	Кўрсатмага қараб
	6. Анестезиолог-	-	-	Ўтказилади	Ўтказилади	Ўтказилади	Ўтказилади

2-5 кун

	реаниматолог						қараб		
<p>Изоҳлар: Тор мутахассислар кўриги беморда қўшимча ҳамроҳ касалликлар аниқланганда ёки эндометрий полипини бошқа патологиялардан фарқлаш зарурати бўлган ҳолларда ўтказилади. Бундай патологияларга бачадон миомаси, эндометрий гиперплазияси, эндометриоз, тухумдон кистаси, бачадондан ташқари ҳомиладорлик, эндометрий раки, кичик чаноқ аъзоларининг инфекцион касалликлари ва бошқалар киради. Терапевт консултацияси ҳамроҳ патологияни истисно қилиш учун ўтказилади, уролог, жарроҳ ва бошқа тор мутахассислар консултациялари эса кўрсатмалар бўйича фарқловчи диагностика учун белгиланади. Зудлик билан жарроҳлик аралашуви зарурати аниқланган ҳолларда, тор мутахассислар билан шошилишч маслаҳатлашув ўтказилади ва беморнинг ҳолатига қараб, оператив аралашув стационар шароитида амалга оширилади. Аниқланган диагноз, масалан, асоратланган эндометрий полипи (кўп қон кетиши, ёмон сифатли ўзгаришлар) зудлик билан жарроҳлик аралашувига кўрсатма бўлиб, ҳатто операция ҳажмини гистерэктомиягача кенгайтиришгача етиб бориши мумкин.</p>									
Асосий лаборатор текширувлар	1. Умумий қон таҳлил	-	Ўтказилади	Ўтказилади	Ўтказилади	Ўтказилади	Ўтказилади	Камида 2 марта стационар даволаш даврида касаллик бўйича ва/ёки кўрсатмалар бўйича.	2-5 кун асоратсиз шаклларда
	2. Умумий сийдик таҳлили	-	Ўтказилади	Ўтказилади	Ўтказилади	Ўтказилади	Ўтказилади	Камида 1 марта стационар даволаш даврида касаллик бўйича ва/ёки кўрсатмалар бўйича.	
	3. Коагулограмма	-	Ўтказилади	Ўтказилади	Ўтказилади	Ўтказилади	Ўтказилади	Камида 1 марта стационар даволаш даврида касаллик бўйича ва/ёки кўрсатмалар бўйича.	
<p>Изоҳлар: "Emergency department" бўлимида мажбурий ва қўшимча текширув усуллари ўтказилади. Асосий тадқиқотлар (мажбурий): умумий қон таҳлили, умумий сийдик таҳлили, ивиш вақти, қон кетиш давомийлиги, ОИВ учун қон таҳлили, қон гуруҳи ва Rh омил аниқлаш.</p>									
Қўшимча лаборатор текширувлар	1. Биохимик қон таҳлили	-	-	Ўтказилади	Ўтказилади	Ўтказилади	Ўтказилади	Камида 1 марта стационар даволаш даврида касаллик бўйича ва/ёки кўрсатмалар	2-5 кун асоратсиз шаклларда

							бўйича.	
Изоҳлар: Ҳамроҳ касалликлар аниқланган тақдирда, тор мутахассислар билан маслаҳатлашувдан сўнг, тиббиёт муассасаларининг даражасига қараб, мавжуд ва зарур лаборатор тадқиқотлар ўтказилади. Кўрсатмаларга биноан қўшимча тадқиқотлар: қоннинг биокимёвий таҳлили, коагулограмма, КАМ-кислота- асос мувозанати (кўрсатмаларга қараб).								
Асосий инструментал текширувлар	1. Қорин бўшлиқ ва кичик чаноқ УТТ си	-	Ўтказилади	Ўтказилади	Ўтказилади	Ўтказилади	Камида 2 марта стационар даволаш даврида касаллик бўйича ва/ёки кўрсатмалар бўйича.	2-5 кун асоратсиз шаклларда
	2. ЭКГ	Ўтказилади	Ўтказилади	Ўтказилади	Ўтказилади	Ўтказилади	Камида 1 марта стационар даволаш даврида касаллик бўйича ва/ёки кўрсатмалар бўйича.	
Изоҳлар: Қорин бўшлиғи ва кўкрак қафаси аъзоларининг умумий R-графияси – тик ҳолатда, кичик чаноқ ва қорин бўшлиғи аъзоларининг УТТ, ЭКГ, терапевт, анестезиолог-реаниматолог кўриги, зарурат бўлганда жарроҳ кўриги. Ҳомиладор беморларга дифференциал диагностика учун МРТ тавсия этилади, КТ эса контрендикацияланган. КТ қатъий кўрсатмалар асосида, фақат даволаш муассасасида тегишли жиҳоз мавжуд бўлса ва беморнинг гемодинамика ҳолати барқарор бўлса ўтказилади (ҳомиладорларга ва 18 ёшгача бўлган болаларга контрендикацияланган!).								
Қўшимча инструментал текширувлари	1. Кичик чаноқ МРТ си	-	-	-	Ўтказилади	Ўтказилади	Кўрсатмага қараб	2-5 кун асоратсиз шаклларда
Изоҳлар: Қўшимча инструментал диагностик текширув фақат мутахассис кўрсатмалари бўйича ёки стационар даволаш жараёнида ўтказилади. Асоратланган эндометрий полипи бўлган беморлар учун диагностик визуализация кўрсатмаларини белгилаш ва визуализация усулини танлашда индивидуал ёндашув тавсия этилади, бу касаллик эҳтимоли, беморнинг жинси ва ёши билан боғлиқ бўлади.								

**ДАВОЛАШ ЧОРАЛАРИ
(ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ЁРДАМИДА ДАВОЛАШ)**

Терапевтик чоралар (асосий тиббий муолажалар)	Даражаси ва тури бўйича режалаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш					Суткалик ўртача доза	Бир курслик дозалаш
	Амбулатор ёрдам		Стационар ёрдам				
	Уй шароитида ва тез тиббий	ҚВП /ҚП МКТП	Туман (шаҳар) клиникалари	Тиббиёт муассасалар вилоят даражасида	Республика даражасидаги тиббиёт		
Дори	Дори						

воситасининг халқаро патентланмаган номи	воситаларининг дозаси ва ишлатилиши	ёрдам шароитида				муассасалар		
1. Кетопрофен	100 мг/2 мл, м/о	-	-	Қўлланилади	Қўлланилади	Қўлланилади	100-200 мг/2-4 мл	500-1000мг/10 мл
2. Диклофенак натрия	75 мг/3 мл, м/о	-	-	Қўлланилади	Қўлланилади	Қўлланилади	75 мг/3 мл	75375-450 мг
3. Метамизол натрий (анальгин)	50%-2 мл, м/о, в/и	-	-	Қўлланилади	Қўлланилади	Қўлланилади	50%-2-4 мл	50%-2 мл
4. Цефтриаксон	1 г, м/о, в/и	-	-	Қўлланилади	Қўлланилади	Қўлланилади	2 г	10-12 г
5. Ципрофлоксацин	250/500 мг, per/os	-	Қўлланилади	Қўлланилади	Қўлланилади	Қўлланилади	1000 мг	5000 мг
6. Транексамов кислотаси	250 мг, 500 мг таблетка шаклида, 5 мл ампулалар	-	Қўлланилади	Қўлланилади	Қўлланилади	Қўлланилади	3,9-4,0 г/сут.	15,6-16,0 г

Изоҳлар: Шунингдек, наркотик препаратлар оғриқ характериға қараб операциядан олдин ва кейин қўлланилиши мумкин. Асоратлар ривожланган тақдирда, уларнинг туриға қараб дори-дармон даволашиға тузатишлар киритилади (миллий клиник протоколнинг даволаш бўлимиға қаранг). Тайинланадиган препаратларнинг суткалик ва курс дозалари фармакология бўйича қўлланмалар, қон таҳлиллари натижалари (шу жумладан лейкоцит формуласи), беморнинг умумий ҳолати ва динамик ўзгаришларға мувофиқ турли диапазонларда бўлиши мумкин.

Терапевтик чоралар (қўшимча муолажалар)		Даражаси ва тури бўйича режалаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш					Суткалик ўртача доза	Бир курслик дозалаш
		Амбулатор ёрдам		Стационар ёрдам				
Дори воситасининг халқаро патентланмаган номи	Дори воситаларининг дозаси ва ишлатилиши	Уй шароитида ва тез тиббий ёрдам шароитида	ҚВП /ҚП МКТП	Туман (шаҳар) клиникалари	Тиббиёт муассасалар вилоят даражасида	Республика даражасидаги тиббиёт муассасалар		
1. Гепарин натрий (ёки Эноксапарин Na)	5000 МЕ (4000-6000 анти-Ха МЕ), т/о, м/о	-	-	Қўлланилади	Қўлланилади	Қўлланилади	гепарин Na 20000 МЕ, эноксапарин Na 4000-6000 анти-Ха МЕ	Беморнинг ёши ва вазниға қараб

2. Окситоцин	5 ЕД, 1 мл, м/о,в/и	Қўлланилади	Қўлланилади	Қўлланилади	Қўлланилади	Қўлланилади	20 ЕД/4 мл	Беморнинг ёши ва вазнига қараб
--------------	------------------------	-------------	-------------	-------------	-------------	-------------	------------	---

Изоҳлар: Асоратлар ривожланган тақдирда, уларнинг турига қараб дори-дармон даволашига тузатишлар киритилади (миллий клиник протоколнинг даволаш бўлимига қаранг). Тайинланадиган препаратларнинг суткалик ва курс дозалари фармакология бўйича қўлланмаларга мувофиқ, қон таҳлиллари натижалари (шу жумладан лейкоцит формуласи), беморнинг умумий ҳолати ва динамик ўзгаришларга қараб турли диапазонларда бўлиши мумкин.

ШОШИЛИНЧ ЖАРРОҲЛИК МУОЛАЖАСИ

Терапевтик чоралар (жарроҳлик муолажалар)	Даражаси ва тури бўйича режалаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш				
	Амбулатор ёрдам		Стационар ёрдам *		
	Уй шароитида ва тез тиббий ёрдам шароитида	ҚВП /ҚП МКТП	Туман (шаҳар) клиникалари	Тиббиёт муассасалар вилоят даражасида	Республика даражасидаги тиббиёт муассасалар
Жарроҳлик амалиёти/аралашув/муолажа номи					
1. Даъволовчи гистероскопия (эндометрий полипини олиб ташлаш)	-	-	Техник имкониятга кўра	Ўтказилади	Ўтказилади
2. Гистерорезектоскопия (эндометрий полипини олиб ташлаш)	-	-	Техник имкониятга кўра	Ўтказилади	Ўтказилади
3. Дилятация ва кюретаж (D&C)	-	-	Ўтказилади	Ўтказилади	Ўтказилади
4. Лапароскопик бачадон ампутацияси\экстирпацияси	-	-	Техник имкониятга кўра	Ўтказилади	Ўтказилади
5. Лапаротомия (очик) бачадон ампутацияси\экстирпацияси	-	-	Ўтказилади	Ўтказилади	Ўтказилади
6. Ўрта лапаротомия, консерватив миомэктомия, бачадон ампутацияси\экстирпацияси	-	-	Ўтказилади	Ўтказилади	Ўтказилади

Изоҳлар: Номаълум клиник манзарада, шунингдек, қорин бўшлиғи ва кичик чаноқ аъзоларининг бошқа ўткир касалликлари билан фарқловчи диагностика мақсадида диагностик видеогистероскопия ўтказиш тавсия этилади. Эндометрий полипини олиб ташлаш (гистероскопик полипэктомия) тегишли жиҳозлар ва кўникмалар мавжуд бўлган ҳолларда танлов операцияси ҳисобланади. Полипнинг асоратланган шаклларида, масалан, кучли қон кетиш ёки ёмон сифатли трансформацияга шубҳа бўлса, беморнинг ҳолати ва кўрсатмаларга қараб, гистерэктомия (бачадонни олиб ташлаш) тавсия этилиши мумкин. Агар бемор жарроҳлик даволашдан воз кечса, стационар шароитида антибактериал ва симптоматик терапия курси тайинланади. Агар бемор госпитализациядан воз кечса, у мумкин бўлган оқибатлар ҳақида огоҳлантирилади, воз кечиш сабаби ҳужжатлаштирилади ва маълумот беморни гинеколог назоратига қўйиш учун яшаш жойидаги оилавий поликлиника ёки ТТБ (ШТБ) га юборилади. Кюретаж фақат консерватив терапия самарасиз бўлган ҳолларда, жарроҳлик йўли билан

гемостаз мақсадида кучли қон кетишда қўлланилади. Консерватив терапия самарасиз бўлганда (БАҚК (бачодондан аномал қон кетиш) бўйича миллий протоколга қаранг), шифокорлар консилиуми гистерэктомия ўтказиш масаласини ҳал қилади.

ПАРҲЕЗ СТОЛИ ВА УНИНГ ДАВОМИЙЛИГИ

Пархез столи ва унинг давомийлиги	Даражаси ва тури бўйича режалаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш				
	Амбулатор ёрдам		Стационар ёрдам*		
	Уй шароитида ва тез тиббий ёрдам шароитида	ҚВП /ҚП МПМП	Туман (шаҳар) клиникалари	Тиббиёт муассасалар вилоят даражасида	Республика даражасидаги тиббиёт муассасалар
1. Стол №15 (умумий) ва стол №0. Беморни стационардан чиқарилгунга қадар қўлланилади.	-	-	Қўлланилади	Қўлланилади	Қўлланилади

Изоҳлар: Эндометрийнинг гистероскопик полипэктомиyasидан сўнг реабилитация одатда тез ва асоратларсиз ўтади. Тикланиш муддати беморнинг умумий ҳолати, операция ҳажми, полипнинг жойлашуви, операциядан кейинги тўқималар ҳолати ва шифокор тавсияларига амал қилишга боғлиқ. Бемор стационардан чиқарилгандан кейин поликлиникада гинеколог назорати остида бўлади. Амбулатор даволаш муддати ва меҳнатга лаёқатлилик масаласи индивидуал равишда ҳал қилинади. Инфекцион асоратларнинг олдини олиш: Жисмоний юкламаларни чеклаш операция ҳажми ва беморнинг ҳолатига боғлиқ равишда, стационардан чиқарилгандан кейин 2-4 ҳафта давомида тавсия этилади.

РЕАБИЛИТАЦИЯ

Реабилитационные мероприятия	Тиббий хизматларнинг номлари	Уй шароитида ва тез тиббий ёрдам шароитида	ҚВП /ҚП МПМП	Стационар шароитида	Тадбирларнинг минимал сони	Реабилитация муддати
Мутахассис (шифокор) консултацияси	Жаррох-гинеколог	-	Ўтказилади	Ўтказилади	Операциядан кейин 1 маҳал	1 ой
	Терапевт/УАШ	-	Ўтказилади	Ўтказилади	Операциядан кейин 1 маҳал	
	УТТ мутахассиси	-	Ўтказилади	Ўтказилади	Кўрсатмага қараб	
Лаборатор текширув	Умумий қон таҳлил	-	Ўтказилади	Ўтказилади	Операциядан кейин 1 маҳал	1 ой

Изоҳлар: Беморнинг умумий ҳолати ва касаллик кечишига қараб, акушер-гинеколог ва умумий амалиёт шифокори назорати остида ҚВП /ҚП МПМПда

қўшимча лаборатор тадқиқотлар тайинланиши мумкин.						
Инструментал текширув	УТТ	-	Ўтказилади	Ўтказилади	Кўрсатмага қараб	1 ой
	Кольпоскопия	-	Техник имкониятга кўра	Ўтказилади	Кўрсатмага қараб	
Изоҳлар: Эндометрий полипи ҳал бўлганидан кейин стационардан чиқарилгандан сўнг динамикада УЗИ — кўрсатмалар бўйича.						
Терапевтик чоралар (дори восита муолажалар)		Уй шароитида ва тез тиббий ёрдам шароитида	ҚВП /ҚП МПМП	Стационар шароитида	Суткалик ўртача доза	Бир курслик дозалаш
Дори воситасининг халқаро патентланмаган номи	Дори воситаларининг дозаси ва ишлатилиши					
1. Гормонал муолажа (эхтиёж бўлганда)	Прогестагенлар миллий клиник протокол тавсияларига мувофиқ	Қўлланилади (эхтиёж бўлганда)	Қўлланилади (эхтиёж бўлганда)	Қўлланилади (эхтиёж бўлганда)	Доза, қўллаш усули ва режа индивидуал равишда танланади.	Доза, қўллаш усули ва режа индивидуал равишда танланади.
2. Ацетилсалицил кислотаси	75/150 мг, per/os	Қўлланилади	Ўтказилади	-	100 мг	1 таблетка
Изоҳлар: Кўрсатилган препаратлар реабилитация даврида амбулатор тартибда қўлланилади. Оғрикни енгиллаштириш, қайталашнинг олдини олиш ва тромболитик асоратларни бартараф этиш мақсадида юқоридаги препаратлар акушер-гинеколог ва умумий амалиёт шифокори (УАШ) назорати остида ҚВП /ҚП МПМП да қўлланилиши мумкин						

БЕМОРНИ “D” ҲИСОБИДА ДИСПАНСЕРИЗАЦИЯ ҚИЛИШ

Тиббий текширув чоралари	Тиббий хизматларнинг номлари	ҚВП /ҚП	МПМП	Тадбирларнинг минимал сони	Диспансер назорати муддати
Мутахассис (шифокор) консултацияси	Мутахассис (шифокор) консултацияси	+	+	1	3 ой
Изоҳ: Беморни клиник ва лаборатор кўрсаткичларга асосан даволангандан сўнг, кузатув 6 ойгача давом эттирилади.					
Инструментал текширув	1. Кичик чаноқ аъзоларининг УТТ / Сувли УТТ	+	+	1	6 ой
Изоҳ: 3-6 ой ўтгач, беморларда бачадоннинг УТТ ўтказилади.					

БИРИНЧИ, ИККИНЧИ ВА УЧИНЧИ ПРОФИЛАКТИКА/СКРИНИНГ

Мазкур нозология бўйича назарда тутилмаган

ПАЛЛИАТИВ ДАВОЛАШ

Мазкур нозология бўйича назарда тутилмаган